# ЎЗБЕК ОРФОГРАФИЯСИНИНГ АСОСИЙ ҚОИДАЛАРИ

## АЙРИМ ҲАРФЛАРНИНГ ИМЛОСИ

§ 1. *и* ҳарфи:

1) *бир, билим, билак, талак, билан, бироқ, сира, пировардида, сигир, пилик, тирик, тирак, чигит, йигит* каби сўзларда қисқа айтиладиган *и* унлиси ўрнида, *муҳит, лирика, коммунизм* каби сўзларда чўзиқроқ айтиладиган *и* унлиси ўрнида ёзилади;

2) *қир, қиз, биқин, ғишт, қизиқ, хирмон, хина, мих* каби сўзларда *қ, х, ғ* товушлари билан ёнма-ён келиб, қисқа ва қаттиқроқ айтиладиган *и* унлиси ўрнида, *посилка, вишка, виставка, вивеска* каби сўзларда русча *ы* унлиси ўрнида ёзилади.

§ 2. *у* ҳарфи:

1) *уч, тун, қуш, қурт* каби бир бўғинли сўзларда, *улуғ, учун, усул* каби икки бўғинли сўзларда қисқа айтиладиган *у* унлиси ўрнида, *коммуна, диктатура, куб, сурат* каби сўзларда чўзиқроқ айтиладиган *у* унлиси ўрнида ёзилади;

2) *қовун, совун, овул, мовут, совуқ, товуқ, қирғовул, товус, товуш, тарвуз, саксовул, тасаввур, қувур* каби сўзларнинг олдинги бўғинларида *о, а, у* унлиларидан бири бўлган ва шу унлидан сўнгги ёпиқ бўғиннинг бошида келган *в* товушидан кейинги *у* унлиси ўрнида ёзилади; аммо *чивин, тивит, ивит, чивиқ* каби сўзларда *и* унлисидан кейин келган *в* дан сўнг *и* ёзилади;

3) *улуш, буюк, буюм, юлдуз* каби ҳамда *ютуқ, учқун, турғун, бутун, юмуқ, тузум, уюм, турмуш, тугун, туркум, гумбур-гумбур, ғувур-ғувур* каби биринчи бўғинида *у* (ю) келган сўзларнинг иккинчи бўғинида, айтилишига мувофиқ, *у* (ю) ёзилади. (Қаранг: § 50.) Шунингдек *урғу, уйқу, туйғу* каби сўзларнинг иккинчи очиқ бўғинида *қ* ёки *ғ* товушларидан кейин ҳам *у* ёзилади.

Аммо *тулки, кулги, тушки* каби биринчи бўғинида *у* унлиси бўлган, шунингдек *бўри, ўқи, тўқи, ўтин, кўмир, бўлим* каби биринчи бўғинида *ў* унлиси келган сўзларнинг иккинчи бўғинида *и* ёзилади.

§ 3. *ў* ҳарфи:

*ўт, ўқ, кўл* каби бир бўғинли сўзларда, *ўтин, кўнгил, кўмир, тўқи, ўқи* каби кўп бўғинли сўзларнинг биринчи бўғинида ёзилади.

§ 4. *э* ҳарфи:

1) *элак, экин, эгар, экран, этак, экватор, элемент, энергия, эҳтимол, эҳтиром, эҳтиёж, эҳтиёт, эҳсон, эътиқод, эътироф* каби сўзларнинг бошида ёзилади;

2) *поэзия, поэма* каби сўзларнинг ўртасида, ўзича алоҳида бўғин ташкил қилганда; *дуэт, дуэль* каби сўзлар ичида бўғин бошида ёзилади.

§ 5. *о* ҳарфи:

1) *от, қор, бош, ош, нон* каби бир бўғинли сўзларда, *қарор, савол, анор, баҳор, наво, даво* каби сўзларнинг иккинчи бўғинида, *омон, қозон, бодом, доно, нодон, похол, сомон* каби сўзларнинг ҳар бир бўғинида ёзилади;

2) *очерк, тонна, орган, опера, нота, область* каби сўзларнинг урғули бўғинларида; *колхоз, совхоз, комсомол, колонна, автомат, обзор, мотор, ботаника* каби сўзларнинг урғусиз бўғинларида *а* га яқин талаффуз этиладиган товуш ўрнида; *редактор, директор, прожектор, трактор, трансформатор* каби сўзларнинг сўнгги бўғинида *и* га мойил айтиладиган товуш ўрнида ёзилади.

§ 6. *а* ҳарфи:

1) *тан, фан, ана, мана, дафтар, катта, маҳкам* каби сўзларда юмшоқ *а* унлиси ўрнида, *қалам, ғалаба, хабар, партия* сингари сўзларда қаттиқ *а* унлиси ўрнида ёзилади;

2) *март, май, зал* каби бир бўғинли сўзларда, *латин, август, авангард, завод* каби сўзларнинг биринчи бўғинида, хусусан *в* ундошидан олдин, *о* га мойилроқ айтиладиган товуш ўрнида ёзилади;

3) *муомала, музокара, муҳокама, муносабат, муболаға, мутолаа* каби сўзларнинг учинчи бўғинида *а* ёки *и* тарзида айтиладиган товуш ўрнида ёзилади.

§7. *социализм, диаметр, диаграмма, биография, пионер, идиома, идеология, геометрия, театр, теорема, аэродром, аэропорт, аэростат, кооператив, координация, қоида, доир, доира, оила, оид, доим, шоир, жамоа, жамоат, маориф, таом, таомил, мудофаа, матбаа* каби сўзларда унлилар ёнма-ён келади ва шундай ёзилади.

§ 8. *е* ҳарфи:

1) *ер, ем, етмиш, елка, объект, разъезд* каби сўзларда, сўз ёки бўғин бошида, *етим, елим* каби сўзларда айрим бўғинни ташкил этганда, шунингдек *правление, страхование* каби сўзларнинг охирида, унли товушдан кейин *йэ* (й+э) ўрнида ёзилади;

2) *кел, кет, кеч, бел, тер, беда, меҳмон, меҳнат, чеҳра, зеҳн, меҳр, истеҳком, телефон, театр, сеанс, адрес, телеграф, температура, делегат* каби сўзларда, ундошдан сўнг ёки икки ундош орасида, *э* тарзида айтиладиган унли товуш ўрнида ёзилади.

§ 9. *ё* ҳарфи:

1) *ёш, ёл, ёрдам, аёл, пиёз, ихтиёр, тайёр, заём, приёмник, подъёмник* каби сўзларда, сўз ёки бўғин бошида, *ёқа, ёки* каби сўзларда айрим бўғинни ташкил этганда *йо* (й+о) ўрнида ёзилади;

2) *зачёт, счёт, режиссёр, пулемёт, самолёт* каби сўзларда *о* тарзида айтиладиган унли товуш ўрнида ёзилади.

Аммо *район, майор, Нью-Йорк* каби сўзларда бўғин бошида *ё* эмас *йо* бирикмаси ёзилади.

§ 10. *ю* ҳарфи:

1) *юр, юз, юк, юлдуз, уюшма, буюрмоқ, союз, июль* каби сўзларда, сўз ёки бўғин бошида, *юрак, ютуқ, юбилей, юрист* каби сўзларда, айрим бўғинни ташкил этганда, *йу* (й+у) ўрнида ёзилади;

2) *бюджет, брошюра, эволюция, революция, резолюция* каби сўзларда *у* тарзида айтиладиган унли товуш ўрнида ёзилади.

§ 11. *я* ҳарфи:

1) *янги, яхши, жияк, суяк, январь, ноябрь* каби сўзларда, сўз ёки бўғин бошида, *ягона, яшил, туя, куя, судья* каби сўзларда, айрим бўғинни ташкил этганда *йа* (й+а) ўрнида ёзилади;

2) *отряд, разряд, октябрь, сентябрь, князь* каби сўзларда *а* тарзида айтиладиган унли товуш ўрнида ёзилади.

§ 12. 1) *китоб, мактаб, жавоб, тартиб, олиб, ёзиб, чиқиб, келиб, минглаб* каби сўзларнинг охирида *б* товуши жарангсизланиб *п* тарзида айтилса ҳам, аслига мувофиқ, *б* билан ёзилади;

2) *бундай, буюм, бурун, бўйин* каби баъзи сўзлар бошида *б* товуши *м* тарзида айтилса ҳам, *б* ёзилади.

§ 13. *товоқ, қовоқ, чивиқ, чивин* каби сўзларда, икки унли орасида *в* товуши баъзан *б* тарзида айтилса ҳам, *в* шаклида ёзилади.

§ 14. *фан, фасл, фарқ, улфат, сафар, фабрика, физика, фронт, саф, ҳарф, шараф, телеграф, телефон, физкультура, фотография, патефон* каби сўзларда *ф* товуши одатда *п* тарзида айтилса ҳам, *ф* ёзилади.

§ 15. *адад, мадад, обод, озод, савод, даромад, завод, шогирд, доклад, авлод* каби сўзларнинг охирида *д* товуши жарангсизланиб *т* айтилса ҳам, *д* ёзилади.

§ 16. *ж* ҳарфи:

1) *жон, жун, жаҳон, жимжима, жонажон, мажлис* каби сўзларда портловчи товуш ўрнида ёзилади;

2) *журнал, жюри, прожектор, гижда, мужда, аждар* каби сўзларда сирғалувчи товуш ўрнида ёзилади.

§17. *ц* ҳарфи:

*цех, цирк, циркуль, цензура, цемент, цилиндр, центнер, революция, конституция, социализм, процент, процедура, процесс* каби сўзларда ажратилмай айтиладиган *тс* товушлари бирикмаси ўрнида ёзилади.

§ 18. Русчада *щ* ҳарфи билан ишлатиладиган айрим сўзлар ўзбек имлосида *шч* бирикмаси орқали ёзилади: *мешчан, помешчик, Шчербаков, Шчедрин, обшчина, ямшчик* каби.

§ 19. *й* ҳарфи:

*йил, йигит, йигирма, йўл, йўнғичқа, йўрға* каби сўзларда *и* ва *ў* унлиларидан олдин, сўз бошида. *ой, сой, мой, жой, той, қий, кий, чий, кальций, натрий, критерий, сценарий, санаторий, байрам, қайроқ, лайлак, зийрак, бийрон, тийрак* каби сўзларда, сўз ва бўғин охирида, *Низомий, Лутфий, Навоий, Муқимий* каби адабий таҳаллусларнинг охирида, *сиёсий, ижтимоий, адабий, жузъий, маънавий, қабилавий* каби сифатларнинг охирида ёзилади.

§ 20. Сўз ўртасида келган *н* ундоши ўзидан кейинги лаб товуши *б, п* ёки *м* билан ёнма-ён келганда, *м* тарзида айтилса ҳам, ҳар вақт *н* шаклида ёзилади: *шанба, сунбул, манба, ёнбош, танбур, жонбоз, танбиҳ, ватанпарвар, айланма, сайланма, ёнма-ён, кўнмаслик* каби.

§ 21. Сўз ўртасида *н* ундоши билан *к, г, қ, ғ* товушларидан бири ёнма-ён келганда, *н* товуши *нг* тарзида айтилса ҳам, *н* ёзилади: *кўланка, тўнка, аланга, жингалак, анқов, чанқамоқ, ёнғоқ, қўнғироқ, қўнғиз, тўнғиз* каби.

§ 22. *нг* бирикмаси:

1) *онг, тонг, энг, кўнгил, манглай, танглай, тингламоқ, инграмоқ, жаранграмоқ, аранг, таранг, айтингиз* каби сўзларда ажратилмай айтиладиган бурун товуши ўрнида ёзилади;

2) *конгресс, тангенс, инглиз, танга* (пул) каби сўзларда ажратиб айтиладиган *н* ва *г* ўрнида ёзилади.

§ 23. *ҳ* ҳарфи:

*ҳўл, ҳам, ҳамдам, ҳар, ҳандалак, ҳарбий, муҳаббат, маҳкам, суҳбат, раҳбар* каби сўзларда бўғиз товуши ўрнида, *х* ҳарфи эса *хат, хабар, халқ, пахта* каби сўзларда чуқур тил орқа товуши ўрнида ёзилади.

§ 24. *дўст, гўшт, мушт, тўрт, Тошкент, артист, дарахт, рост, ғишт, паст, баланд, Самарқанд, хурсанд, писанд* каби сўзларда, сўз охирида ёнма-ён келган ундошларнинг охиргиси айтилмаса ҳам, ёзувда сақланади.

§ 25. *килограмм, киловатт, металл, прогресс, процесс* каби сўзларнинг охирида ёнма-ён келган ундошлардан бири айтилмаса ҳам, ёзувда сақланади.

Аммо бундай сўзлар охиридаги бир хил ундошлардан кейин, худди шу хил ундош билан бошланадиган қўшимча қўшилганда, сўз охирида қатор келган учта ундошдан бири ёзилмайди: *металлар* эмас *металлар, килограмми?* эмас *килограмми?* каби.

§ 26. 1) *синф, қисм, литр, ҳукм, сабр, метр, аср, ақл, ҳарф, пункт, танк, банк, факт, фаҳм, нашр, жакт, расм* каби сўзлар охиридаги икки ва ундан ортиқ ундош ёнма-ён ёзилади.

Аммо рус тилида охирида *с* ва *к* қатор келган *отпуск, киоск, диск, пропуск* каби сўзлардан кейин, ўзбек адабий талаффузига мувофиқ, бир *а* қўшиб ёзилади: *отпуска—отпускам, отпусканг, отпускаси, отпускани; киоска—киоскадан, киоскаси, киоскачиларнинг* каби;

2) *муҳаббат, лаббай, аппарат, дўппи, шиддат, содда, катта, етти, арра, парранда, иззат, жизза, тизза, миллат, миллион, ҳамма, ҳиммат, коммунист, грамматика, шинни, тонна, миннатдор, касса, комиссия, кисса, ҳисса, комиссар, пашша, якка, укки, чўққи, диққат* каби сўзларда ёнма-ён келган бир хил ундошлар ёзилади.

§ 27. *уч* ва *тўрт* сонларига *ала* қўшимчаси қўшилиб, жамловчи сон ясалганда *уч* сони икки *ч* билан *уччала* ва *тўрт* сони икки *т* билан *тўрттала* тарзида айтилади, лекин бу сўзлар бир *ч* ва бир *т* билан ёзилади: *учала — учаламиз, тўртала — тўрталамиз* каби. Аммо *бир* сонига *-та* қўшимчаси қўшилганда, бу сўз айтилишига мувофиқ, *битта* шаклида (икки *т* билан) ёзилади.

§ 28. *стол, шкаф, штаб, штурм, план, плакат, правление, трактор, трамвай, трест, справка, стрелка, структура* каби сўзларнинг бошида ва *абстракт, транспорт, институт, инспекция* каби сўзларда сўз ичида ёнма-ён келган икки ва ундан ортиқ ундош қатор ёзилади.

§ 29. Айириш белгиси (*ъ*):

1) Сўз ўртасида *е, ё, ю, я* ҳарфларидан олдин келиб, уларни аввалги ундошдан ажратиш учун ёзилади: *объект, субъект, съёмка, съезд, подъезд, разъезд, адъютант, конъюнктура* каби;

2) *билъакс, бидъат, журъат, санъат, суръат, масъул, қалъа* каби сўзларда *а, у* унлиларини олдинги ундошдан ажратиш учун ёзилади;

3) *даъво, таъна, таъмин, таъриф, таъсир, шеър, феъл, меъмор, эътиқод, эътибор, мўътабар, мўътадил, мўъжиза* каби сўзларда ундош товушдан олдин келган унлини чўзиқроқ айтиш учун ёзилади.

Аммо *дарё, дунё, бунёд, ҳадя, такя, афюн* каби сўзларда, *Мирюсуф, Матяқуб, Миряҳё* каби киши отларида, *боряпти, келяпти, ёзяпти* каби феълларда ва *жам, нав, тобе, толе, воқе* каби сўзлар охирида айириш белгиси ёзилмайди.

§ 30. Сўз ва бўғин охирида келган ундошнинг юмшоқ айтилишини билдириш учун юмшатиш белгиси (*ь*) ёзилади: *январь, артель, мебель, автомобиль, секретарь, большевик* каби.

Аммо охири юмшатиш белгиси билан тугаган сўзларга ҳар қандай қўшимча қўшилганда, юмшатиш белгиси (*ь*) ёзилмайди: *артель—артелимиз, артелчилик; январь—январи, январда; модель — модели, моделчи; секретарь—секретаримиз, секретарлари, секретарлик; мебель—мебелимиз, мебелга, мебелчилик* каби. Шунингдек *актуал* (масала), *коммунал* (хўжалик), *интернационал* (тарбия), *индивидуал* (масала), *социал* (ҳаёт), *территориал* (бўлиниш) каби сифатлар охирида ҳам юмшатиш белгиси ёзилмайди.

## УЗАК-НЕГИЗ ВА ҚУШИМЧАЛАР ИМЛОСИ

§ 31. *ош—оша, бош—бошла, соғ—соғай, ёш—ёшла* каби сўзларда талаффузга кўра *о* ёки *ё* ёзилади. Аммо *сон, онг, ёш, от* каби бир бўғинли баъзи сўзларда, ясовчи қўшимчалар қўшилганда, *о* товуши *а* га, *ё* товуши *я* га айланади: *сон—сана, санамоқ, саноқ; онг—англа, англатмоқ, англашиладиган; ёш—яша, яшамоқ, яшасин; от—ата, атамоқ, аталади* каби.

§ 32. Унли *а* ёки *я* билан тугаган феъл негизларига *қ* ёки *в* қўшилганда, охирги *а* унлиси *о* га, *я* эса *ё* га айланади ва шундай ёзилади: *тара—тароқ, таров; тарқа—тарқоқ, тарқов; сўра—сўроқ, сўров; чанқа—чанқоқ, чанқов; бўя—бўёқ, бўёв; тая—таёқ, таёв; суя—суёв, суёвчи* каби.

§ 33. *тани, таши, ўқи, тўқи, қаши* каби феъл негизларига *в* қўшилганда охирги *и* товуши *у* га айланади ва шундай ёзилади: *тани—танув, таши—ташув, ўқи—ўқув, тўқи—тўқув, қаши—қашув* каби. (Қаранг: § 41.)

§ 34. *боғ, тоғ, ёғ, чўғ, соғ, туғ, оғ, барг, тег, эг, туг* каби *ғ* ёки *г*, *қишлоқ, ўртоқ, ётоқ, ўроқ, чиқ, қоқ, этак, терак, элак, ўрдак, челак, тўк, чўк* каби *қ* ёки *к* билан тугаган сўзларга *г* товуши билан бошланган қўшимчалар қўшилганда сўз охири ва қўшимча бошидаги ундошлар, айтилишига мувофиқ, қуйидагича ёзилади: *боққа, тоққа, ёққа, чўққа, соққан, туққан, оққан, баркка, теккан, эккач, туккунча, қишлоққача, ўртоққа, ётоққа, ўроққа, чиққан, қоққан, этакка, теракка, элакка, ўрдакка, челакка, тўккин, чўккач, сариққина, кичиккина, чиққиси* каби.

Аммо *г* билан тугаган баъзи сўзлар, киши отлари ва географик номлар *г* билан ёзила беради: *педагог — педагогга, митинг—митингга, Лафарг — Лафаргга, Люксембург — Люксембургга, Петербург — Петербургга, Оренбург — Оренбургга, Кривой-Рог —Кривой-Роггача* каби.

§ 35. *қишлоқ, ўртоқ, истак, тилак, станок, гудок, график* каби *қ* ёки *к* ундоши билан тугаган кўп бўғинли сўзларга эгалик қўшимчаси қўшилганда *қ* товуши *ғ*, *к* товуши *г* тарзида айтилади ва шундай ёзилади: *қишлоғи, ўртоғимиз, истагингиз, тилагига, станогимиз, графигидан, гудоги* каби. Шунингдек бир бўғинли *ёқ, йўқ* сўзларининг охиридаги *қ* товуши *ғ* га айланади: *ёқ—ёғи* (бир ёғидан), *йўқ—йўғи* (бори-йўғи) каби.

Аммо *ток, чек, ўқ, нок, кўк, цирк, шарқ, фарқ, уфқ* каби бир бўғинли; *иштирок, иттифоқ, иштиёқ, ташвиқ, фироқ, нифоқ* каби кўп бўғинли баъзи сўзларнинг охиридаги *к, қ* ундошлари эгалик қўшимчалари қўшилганда ҳам ўзгармайди, ўз ҳолича ёзилади: *ток—токи, фарқ—фарқи, иштирок—иштироки, иттифоқ—иттифоқи, татбиқ—татбиқи, тасдиқ—тасдиқи* каби.

§ 36. *оғиз, қорин, ўрин, сингил, кўнгил, бурун* каби кейинги ёпиқ бўғинида *и* ёки *у* унлиси бўлган баъзи бир сўзлар эгалик қўшимчалари билан турланганда, охирги бўғинидаги *и* ёки *у* унлиси айтилмайди ва ёзилмайди: *оғиз—оғзим, оғзинг, оғзимиз, оғзингиз; ўғил—ўғлим, ўғлинг, ўғли, ўғлимиз, ўғлингиз; бурун—бурним, бурнинг, бурни, бурнингиз, бурнимиз* каби.

§ 37. *улуғ, икки, етти, олти, оғиз, ўрин* каби кейинги бўғинида *и* ёки *у* унлиси бўлган баъзи сўзларга *а* ёки *о* билан бошланган қўшимча қўшилиб, янги сўзлар ясалганда охирги бўғиндаги *и* ёки *у* унлиси айтилмайди ва ёзилмайди: *улуғ—улғаймоқ, сариғ—сарғаймоқ, оғиз—оғзаки, ўрин—ўрнатмоқ, икки—икков, олти—олтов, етти—еттов* каби.

§ 38. *мен, сен* олмошларига *-нинг, -ни, -ники* қўшимчалари қўшилганда, бир *н* ундоши айтилмайди ва шунга мувофиқ ёзилмайди: *меннинг* эмас *менинг, менни* эмас *мени, сенники* эмас *сеники* каби.

§ 39. *у, бу, шу* олмошларига *-да, -дан, -дай, -га, -ча* қўшимчалари қўшилганда, айтилишига мувофиқ, бир *н* орттириб ёзилади: *уга* эмас *унга, будан* эмас *бундан, шуга* эмас *шунга, шудай* эмас *шундай, шуча* эмас *шунча* каби.

§ 40. *исимоқ, ачимоқ, қотмоқ* каби феъллардан сифат ясалганда, баъзан ўзакдаги *с, ч* ва *т* ундоши такрорланади ва шунга мувофиқ ёзилади: *исимоқ—иссиқ, ачимоқ—аччиқ, қотмоқ—қаттиқ* каби. Шунингдек *фан* сўзига *-ий* қўшиб ясалган сифат ҳам икки *н* билан ёзилади: *фанний*.

§ 41. *ёз, кел, тер, кузат, келтир* каби ундош билан тугаган феъл ўзак-негизларига *-ув+-чи, -ув+-чилик, -ув+-чан* қўшимчалари қўшилиб янги сўз ясалганда, бу қўшимчалар *-увчи, -увчилик, -увчан* шаклида *в* билан ёзилади: *ёз—ёзувчи, ёзувчилик, кел—келувчи, тер—терувчи, кузат—кузатувчилик, келтир—келтирувчи, кул—кулувчи, кулувчан* каби. (Қаранг: § 33.)

§ 42. Феълларда орттирма даража ясовчи *-дир* қўшимчаси жарангсиз ундош товушлар билан тугаган сўзларда, шунингдек жарангли ундош билан тугаган кўп бўғинли сўзларда *-тир* шаклида ёзилади: *эшиттирмоқ, топтирмоқ, бостирмоқ, эктирмоқ, уқтирмоқ; чўмилтирмоқ, севинтирмоқ, кўкартирмоқ, кучайтирмоқ* каби. Аммо *кел* сўзидан бошқа жарангли товуш билан тугаган бир бўғинли сўзлардан кейин *-дир* шаклида ёзилади: *билдирмоқ, томдирмоқ, тердирмоқ, олдирмоқ, ёздирмоқ, ёндирмоқ, куйдирмоқ, қиздирмоқ* каби.

§ 43. Ундош *г* билан бошланадиган *-гир, -гин, -гиз, -газ* каби қўшимчалар жарангсиз товушлар билан тугаган сўзларга қўшилганда, *-кир, -қир: ўткир, чопқир* каби; *-кин, -қин: кескин, тошқин* каби; *-киз, қиз: еткизмоқ, ётқизмоқ* каби; *-каз, -қаз: ўтказмоқ, ютқазмоқ* каби шаклларда ёзилади. Жарангли товушлар билан тугаган сўзлардан кейин *г* ёки *ғ* билан ёзилади: *сезгир, олғир, қизғин, юргизмоқ, тўлғизмоқ, қўргазмоқ* каби.

§ 44. Мақсад равишдоши қўшимчалари, айтилишига мувофиқ, *-гани, -кани, -қани* шаклларида *н* билан ёзилади: *ўқигани, ёзгани, эккани, боққани, соққани* каби. Шунингдек буйруқ феъли маъносини кучайтириш учун ишлатиладиган *-гин, -кин, -қин* қўшимчалари ҳам *н* билан ёзилади: *боргин, кўргин, чеккин, чиққин каби.* Аммо эски стилдаги бадиий асарларда бу хил қўшимчалар *л* билан ҳам ёзила беради.

§ 45. *ўқибман, ўқибсан, ўқибди, ўқибмиз, ўқибсиз, ўқибдилар; борибман, борибсан, борибди, борибмиз, борибсиз, борибдилар* каби феълларда шахс қўшимчаларидан олдин келган *б* ундоши *п* тарзида айтилса ҳам, бу хил феъллар ҳар вақт *б* билан ёзилади.

§ 46. Иш-ҳаракатнинг келаси замонда бажарилишини билдирувчи *-ар* қўшимчаси асосан шу хилда *-ар* шаклида ёзилади: *борар, келар, келтирар* каби. Шу билан бирга баъзан *-ур* шаклида ҳам ёзилади: *борур, бўлур, келтирур* каби.

§ 47. Арабча рақамлардан сўнг *-нчи* қўшимчаси ўрнига фақат дефис (-) ёзилади: *5-модда, 7-синф, 9-том* каби. Аммо йил ва ойларни кўрсатувчи арабча рақамлардан кейин: *1956 йил, 22 сентябрь*, шунингдек, рим рақамларидан сўнг: *XX аср, XV том, X синф* каби ҳеч нарса ёзилмайди.

§ 48. Сифат ва отларни бир-биридан фарқ қилиш учун ишлатиладиган *-ли* ва *-лик* қўшимчалари қуйидаги ўринларда ёзилади:

1) *-ли* қўшимчаси эгаликни билдирганда: *ақлли, адабли, мевали, унумли;* феълдан ясалган сифатларда: *етарли, айтарли, қизиқарли, қониқарли* каби;

2) *-лик* қўшимчаси белги отларида: *ёшлик, қарилик, катталик, оналик, болалик, яхшилик, гўзаллик* каби; вақтга муносабатни билдирганда: *беш йиллик, уч йиллик, икки ойлик, ўн ойлик, етти кунлик, шанбалик, якшанбалик* каби; ўринга муносабатни билдирганда (кичик ҳарф билан): *москвалик, ленинградлик, тошкентлик, самарқандлик, марғилонлик, андижонлик, қўқонлик, урганчлик, хивалик, бухоролик, каттақўрғонлик* каби; хослик, мўлжал ва ўлчов маъноларини билдирганда: *кўйлаклик* (шойи), *кўрпалик* (сатин), *беш юз граммлик* (тош), *йигирма беш сўмлик* (пул) каби.

§ 49. Фамилияни билдирувчи қўшимчалар ундош билан тугаган киши отларига *-ов, -ова* шаклида: *Содиқов, Содиқова; Каримов, Каримова* каби; унли билан тугаган отларга эса *-ев, -ева* шаклида: *Хайруллаев, Хайруллаева; Алиев, Алиева* каби қўшиб ёзилади.

Киши отлари *й* билан тугаганда унга унлидан кейин келадиган фамилия қўшимчалари қўшилиб, от охиридаги *й* тушириб ёзилади: *Турғунбой—Турғунбоев, Турғунбоева; Николай — Николаев, Николаева* каби.

§ 50. Составида *и* унлиси бўлган қуйидаги қўшимчалар ўзак ва негизларда, *у* ёки *ю* унлиси бўлишидан қатъи назар, ҳар вақт *и* билан ёзилади:

1) от тўпидаги сўзларни ясовчи ва турловчилар: *-чи, -истон, -ги, -ли, -лик, -лиқ, -сиз, -инчи, -нинг, -ни, -им, -инг, -и, -имиз, -ингиз;*

2) феъл даражаларини ясовчи ва феъл тусловчилар: *-ин, -ил, -иш, -ир, -дир, -тир, -гиз, -киз -ғиз, -қиз; -гин, -кин, -ғин, -дим, -динг, -дик, -ди, -нгиз* каби.

Аммо қуйидаги каби сўзларнинг биринчи бўғинида *у* (ю) унлисининг келишига қараб, иккинчи бўғинида ҳам *у* (ю) ёзилади: *унутмоқ, тушунмоқ, суғурмоқ, югурмоқ, буюрмоқ, супурмоқ* каби. (Қаранг: § 2.)

§ 51. Аслида *б* товуши билан бошланадиган *боз, бон* сўзлари, ҳозирги талаффузда баъзан *воз, вон* шаклида *в* билан айтилса ҳам, *б* билан ёзилади: *сарбоз, қоғозбозлик, аризабоз, дорбоз, ишқибоз, каптарбоз, майнабозчилик, масхарабоз, дарвозабон, тарозибон, жонбоз, боғбон* каби.

Аммо *бачча* элементи ҳозирги талаффузга мувофиқ ҳар вақт *вачча* шаклида ёзилади: *амакивачча, холавачча, аммавачча, қозивачча, муллавачча* каби.

§ 52. Сўз олдида келадиган *бе-, ба-, бар-, бо-, но-* ўзидан кейин келган сўзга ҳар вақт қўшиб ёзилади: *бепул, бечиқим, бехархаша, бегуноҳ; бадавлат, бамаслаҳат, баҳамжиҳат, бамисоли; баркамол, барқарор, бартараф; бовужуд, боадаб; ноҳақ, ножўя, номаълум, нотўғри, ножинс* каби.

§ 53. *-банд, -бин, -боп, -бон, -боз, -вачча, -гўй, -дўст, -дўз, -манд, -намо, -нома, -параст, -парвар, -паз, -хўр, -симон, -фуруш, -хона, -шунос, хуш-, ҳам-, сер-, кам-* каби элементлар ўзак-негизларга қўшиб ёзилади: *занжирбанд, дарвозабон, дорбоз, томошабин, калтабин, оммабоп, насиҳатгўй, меҳмондўст, этикдўз, ҳунарманд, камнамо, шартнома, амалпараст, халқпарвар, ошпаз, порахўр, шарсимон, мевафуруш, ишхона, тилшунос, хушмуомала, ҳамсуҳбат, серғайрат, камгап* каби.

§ 54. *-ми, -оқ, -ёқ, -гина, -кина, -қина* каби юкламалар ўзидан олдин келган сўзларга ҳар вақт қўшиб ёзилади: *келдими?, борми?, йўқми?, ишдами?, мактабингизникими?, келибоқ, кўрибоқ, ўзиёқ, сўзиёқ, менгина, сенгина* каби.

Аммо *-чи, -да, -а, -я, -ю, -ку, -э* юкламалари дефис билан ажратиб ёзилади: *сен-чи?, ўзинг-чи?, борасан-да, ўзинг-а?, борасан-а?, ўзи-я?, энди-я?, борди-ю, келди-ю, айтдим-ку, эшитдинг-ку, бор-э, қўй-э* каби. Шунингдек *билан, учун* сўзлари қисқартилган ҳолда *-ла, -чун* шаклида ишлатилганда ўзидан олдин келган сўзлардан дефис билан ажратиб ёзилади: *сен-ла, қалам-ла, сен-чун, ўзинг-чун* каби.

§ 55. Бош қисмини такрорлаш йўли билан ясалган орттирма сифатлар дефис билан ёзилади: *қип-қизил, сап-сариқ, қоп-қора, яп-япалоқ, юм-юмалоқ, ям-яшил, соппа-соғ, тўппа-тўғри* каби. Аммо *оппоқ* ва *жимжит* сўзлари дефиссиз қўшиб ёзилади.

## ҚУШМА СУЗ ВА СУЗ БИРИКМАЛАРИ ИМЛОСИ

§ 56. Қўшма сўзларнинг қуйидаги типлари қўшиб ёзилади:

1) бир тушунчани ифодаловчи ва бир бош урғу билан айтиладиган қўшма отлар: *ишбай томорқа, сихмола, кўзойнак, қўлқоп, белбоғ, ойболта, билагузук, гулраъно, гулбеор, эчкемар, бойқуш, бойўғли, оққуш, тошбақа, кўккарға, олатўғаноқ, қорашақшақ, гултожихўроз, карнайгул, бақатерак, каттақўрғон* (узум тури), *ўқилон, маккажўхори, ошқозон, кўричак, кўкйўтал, шолипоя, бедапоя, асалари, асаларичилик, қоракўлчилик* каби;

2) иккинчи компонентига сифатдош формаси *ар* қўшилиб келган қўшма сўзлар: *отбоқар, молбоқар, бешиктерватар, ўринбосар, тезоқар, эртапишар, эрксевар, тинчликсевар* каби;

3) иккинчи қисми турдош отлардан бўлган географик номлар: *Сирдарё, Қорасув, Олтинкўл, Олтиариқ, Кўкабулоқ, Жалақудуқ, Мирзачўл, Каттақўрғон, Яккабоғ, Ҳамзаобод, Янгибозор, Қўшкўприк, Уртаовул, Қорасарой* каби;

4) таркибида *аро, умум, бутун* сўзларидан бири бўлган қўшма сўзлар: *ўзаро, халқаро, оламаро, районлараро, умумшаҳар, умумхалқ, умуммиллат, бутуниттифоқ* каби.

Аммо *Умум Европа, Бутун Россия* каби иккинчи компоненти атоқли отдан иборат бўлган сўзлар ажратиб ёзилади.

§ 57. Қўшма сўзларнинг қуйидаги типлари дефис билан ёзилади:

(ДАВОМИ 4-НЧИ БЕТДА).

